

МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА УНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.

ТДЮУ Бизнес ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси

Ж.Т. Аскаров

Аннотация: Мазкур мақолада соглиқни сақлашнинг конституциявий асослари таҳлил этилиб, хорижий давлатлар, халқаро ҳужжатлар билан қиёсий ҳуқуқий ўрганилган. Колаверса, янги таҳрирдаги Конституцияда келтирилган тиббий хизматга оид муҳим нормалар ўрганилган.

Калим сўзлар: тиббий хизмат, соглиқни сақлаш, хусусий тиббий фаолият, шартнома

Маълумки, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини модернизациялаш бўйича босқичма-босқич диққатга молик ишлар амалга оширилмоқда. Давлат дастурларида назарда тутилган вазифаларнинг изчилик билан ҳаётга татбиқ этилиши натижасида тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди, даволашнинг энг илғор услублари кенг қўлланилмоқда, аҳолига биринчи даволаш-профилактика ёрдами кўрсатилишининг замонавий тизими яратилган. Аҳолига шошилинч ва маҳсус тиббий ёрдам кўсатиш тизими изчилик билан такомиллаштирилмоқда. Хусусан, бугунги кунда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, унинг вилоят бўлимлари, бир юз етмишдан зиёд субфилиаллари, “103” тез тиббий ёрдам ҳамда санитар авиаация хизмати эл саломатлигини асраш йўлида туну-кун узлуксиз фаолият олиб бормоқда. Шошилинч тиббий ёрдам муассасаларининг автопарклари ҳам кейинги йилларда чақириқларга ўз вақтида етиб бориш мақсадида тўрт юзта маҳсус транспорт билан таъминланди¹.

¹ <http://shifo.uz/news.php?cat=main&id=1339&di=9>

Кўриб турганимиздек аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ва уни тартибга солишда албатта унинг ҳуқуқий асосини ҳам яратиш ҳамда номатив-ҳуқуқий хужжатларда кафолатларни ятаиш зарур ҳисобланади. Тиббий хизматлар кўрсатиш ва соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам энг бирирнчи ҳамда биз учун Асосий ҳужжат сифатида Конститусияни олишимиз мумкин бўлади. Ўзбекистон Республикаси Конститусиянинг 48 моддасига эътиборни қаратадиган бўлсак, “Ҳар ким соғлигини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга” эканлиги мустаҳкамланган. Мазкур конституциявий норманинг Асосий қомусимизда келтирилишини ҳар жиҳатдан таҳлил этадиган бўлсак, аввало Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 25 моддасида “Ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, жумладан кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишга ҳамда ишсизлик, кассаллик, ногиронлик, бевалик, қариллик ёки унга боғлиқ бўлмаган шароитларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмай қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳуқуқига эга”лиги, халқаро ҳуқуқнинг умуметироф этилган нормалариидан келиб чиқсанлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Бундан ташқари, ҳар бир давлат ўз фуқаролари ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва келажал авлоднинг ҳар жиҳатдан ҳам жисмона, ҳам маънан соғлом вояга етиши учун ҳам малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини кафолатлаш талаб этилади. Қолаверса, Асосий қомусимизда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан олишга бўлган ҳуқуки кафолатланиб берилди. Тиббий хизмат кўрсатишнинг кафолатланиши ўзида ҳар бир фуқаронинг ўз хоҳишидан келиб чиқиб, давлат ёки хусусий тиббий хизмат кўрсатиш муассасаларида ушбу ҳуқуқни амалга ошириш имкониятини беради, яъни тиббий хизматлар кўрсатиш ва унинг амалга оширишда тиббиёт ходимларининг хизматидан фоядаланишда ҳар бир шахсга танлаш ҳуқуки берилади.

Шу сабабдан ҳам танлаш ҳуқуқининг берилиши чекловларсиз барча тиббий хизмат кўрсатувчи муассасаларга мурожаат қилиш эркинлигини кафолатламоқда. Тиббий хизмат кўрсатишнинг конститусиявий кафолатланиши ва уни амалга ошириш билан бўғлиқ ҳуқуқий нормаларнинг ижтимоий аҳамияти хорижий давлатлар Асосий қонунларида кўрсатилиши билан изоҳлаш мумкин бўлади. Албания Конституциясининг 55 моддасига кўра² ҳар бир шахснинг teng ҳуқуқли тиббий хизматдан фойланиш ва тиббий суғуртага бўлган ҳуқуқи, Белгия Қироллиги Конституциясининг 23 моддасига кўра тиббий хизматга бўлган ҳуқук³, Италия Конституциясининг 32 моддасига кўра шахсий ҳуқуқ ва жамият манфаатларининг қизиқишлирини кафолатлайдиган ҳуқуқ⁴, Хитой Халқ Республикаси Конституциянинг 21 моддасига кўра эса халқ соғлигини сақлаш ва уни кафолатлаш ҳуқуқи⁵ сифатида келтирилиши ҳар бир давлатда тиббий хизмат кўрсатиш ҳуқуқининг конститусиявий норма сифатида нечоғлиқ муҳим аҳамият касб этишининг яққол далили ҳисобланади. Фикримизнинг исботи сифатида эса давлат тиббиёт муассасаларида амалга оширилаётган ишларга эътибор берадиган бўлсак, қишлоқ жойларда уч мингга яқин қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилиб, мазкур муассасалар янги тиббий технологиялар билан таъминланди. Ушбу ихтисосликда ишлайдиган умумий амалиёт врачларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими, шунингдек, патронаж ҳамширалик хизмати шакллантирилди. Шунингдек, аҳолига юқори сифатли диагностика ёрдамини кўрсатиш, она ва бола скрининги, перинатал хизматлар, шошилинч ҳамда ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларининг замонавий тизими яратилди. Буларнинг бари саломатлик билан боғлиқ кўплаб муаммоларнинг олдини олиш ва энг муҳими, кенг жамоатчиликнинг тиббий маданият даражасини юксалтириш, аҳоли соғлигини сақлаш борасида

² www.constitution.garant.ru/DOC_3864865.htm

³ www.constitution.garant.ru/DOC_3864873.htm, Конституция Бельгии (Королевства Бельгия) от 17 февраля 1994 г. текст Конституции приводится по сборнику "Конституции государств Европы". Издательство НОРМА, 2001 г.

⁴ www.constitution.garant.ru/DOC_3864831.htm Конституция Италии

⁵ www.constitution.garant.ru/DOC_11000.htm Конституция Китайской Народной Республики (принята на 5-й сессии Всекитайского собрания народных представителей пятого созыва 4 декабря 1982 г., поправки в ее текст вносились тем же органом на ежегодных сессиях в 1988, 1993 и 1999 гг.)

салмоқли кўрсаткичларга эришиш имконини бермоқда. Масалан, мамлакатимизда кейинги беш йил ичида ҳар 100 минг чақалоққа нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 14,8 тадан 13,9 тага, чақалоқлар ўлими 11 тадан 10,7 тага камайди. Шунинг учун ҳам нуфузли “The Lancet” тиббиёт журнали томонидан эълон қилинган табобат, ҳаёт ва саломатлик билан боғлиқ барқарор ривожланишнинг кўрсаткичлари бўйича рейтингда Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари ўртасида биринчи ўринни эгаллади. “Доялар иштирокидаги туғуруқлар” мезони бўйича Ўзбекистон максимал даражадаги баҳони, “Касалликлар тиббий профилактикаси даражаси” бўйича — 93, “Ҳаво ифлосланиши туфайли касалликка чалиниш” мезони бўйича — 89, “Оилани режалаштириш ва репродуктив ёш” бўйича — 84, “Чекиш” ҳамда “Ичишга яроқсиз сув -истеъмоли билан боғлиқ касалликлар” мезони бўйича 81 балл тўплади ва саломатлик рейтингида жаҳондаги 188 давлат ўртасида 55-ўринни эгаллади⁶. Бундай натижаларнинг амалга оширилаётганида, албатта ягона ҳукуқий асос тиббий хизмат олиш ҳукуқининг кафолатланганлиги ва тиббий хизматлар кўрсатишга давлат томонидан катта эътибор қаратилганлигида ҳисобланади. Бундан ташқари, давлат муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги Конунига биноан⁷ даволаш-профилактик муассасаларда аҳолига бепул тиббий ёрдам кўрсатиш кафолатланади. Тиббий ёки бошқа хизматлар давлат томонидан кафолатланган кўламдан ошса, аҳоли ушбу хизматлар учун тўловни амалга оширадилар. **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури**

⁶ <http://shifo.uz/news.php?cat=main&id=1339&di=9>

⁷ Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 128-модда; 1999 й., 5-сон, 124-модда; 2001 й., 5-сон, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2007 й., 40-сон, 411-модда; 2010 й., 20-сон, 148-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда

тўғрисида”ти Фармонига мувофиқ қўйидагиларга давлат томонидан кафолатланган бепул хизматлар кўрсатилади:

- Соғлиқни сақлаш асосий звеносида тиббий хизмат кўрсатиш, биринчи навбатда қишлоқ аҳолисига;
- инфекцион касалликларга қарши ахолини иммунизация ва вакцинация қилиш;
- ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларга, атроф муҳитга зарарли таъсир кўрсатувчи, туберкулёзга чалингандар, руҳий касаллар, профессионал касалликларга, эндокринологик ва онкологик касалликларга учраганларга;
- болаларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва даволаш (пулли касалхоналардан ташқари);
- 15-17 ёшгача бўлган ўсмирларни ва ҳарбий чақириқ ёшидагиларни(18-27), ҳарбий чақириқ комиссиясининг йўлланмаси билан тиббий кўриқдан ўтказиш ва даволаш;
- тўғруққа ёрдам кўрсатиш хизмати (пулли муассасалардан ташқари);
- давлат даволаш-профилактик муассасалардаи беморларни маҳсус чигирмалар билан даволаш (инвалидларни, уруш ветеранлари, бутунлай етимларни).

Шуни айтиш жоизки, тиббий хизмат кўрсатишнинг шаклларининг конститусиявий мустаҳкамланиши тиббий хизмат кўрсатишга бўлган талаб ва таклифларнинг бугунги ҳолатидан келиб чиқилди.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 48 моддаси 3 қисмида тиббий хизмат кўрсатишнинг давлат ва нодавлат шаклларда амалга оширилишига ва тиббий суғурта тизимининг йўлга қўйилишини кафолатлаган.

Шу билан бирга тиббий хизматлар кўрсатишнинг хусусий тиббий муассасалар томонидан ҳам олиб борилиши бу соҳага нисбатан талаб юқорилигини англатади. Умуман олганда, мамлакатимизда тиббиёт соҳасининг хусусий сектори фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Ўзбекистон

Республикасининг “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги [конунида](#) мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни ривожлантириш кўзда тутилган. Хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятини тартибга солиш ва лицензиялаш тизими фаолият юритмоқда. Уларга барча турдаги солиқлар ва қатор мажбурий тўловлар, шунингдек, четдан олиб келинадиган янги тиббий асбоб-ускуналар учун божхона тўловларидан озод этиш бўйича имтиёзлар бериладе. Сўнгги 6 йилда мамлакатимизда хусусий тиббиёт муассасалари сони 2 баробар кўпайиб, 3,5 мингтага етди. Уларни юқори технологияли тиббиёт техникаси билан жиҳозлаш даражаси 3 баробар ошиди. Айниқса, стоматология, лаборатория ташхиси, терапия, физиотерапия, неврология ва бошқа соҳаларга ихтисослашган хусусий тиббиёт муассасалари ривожланган⁸. Бунинг замерида ўтказилаётган туб ислоҳотларда бирламчи асос хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиш орқали эришиш, барча ўзгаришлар мамлакат иқтисодий салоҳиятини замон талабига мос равишда амалга ошириш билан кечмоқда. Шу маънода тадбиркорлик субъектларининг фаолияти ҳам турли соҳаларда кенгайиб бормоқда. Айниқса, бугунги кунда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ва тиббий хизматнинг самарали ташкил этилишига нисбатан талабнинг юқорилигини инобатга оладиган бўлсак, ушбу соҳада тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг жадал ривожланишига хизмат кўрсатади, чунки статистик маълумотларга кўра жорий йилнинг 9 ойи мобайнида чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиши лозим бўлганлар сони 21 657 411 нафар бўлиб, улардан 7 948 151 нафарини 1-18 ёшли болалар, 18 ёш ва ундан катталар 13 709 260 нафарни ташкил этган⁹. Тадбиркорлик субъектларининг турли соҳаларда фаолият юртишини инобатга олганда, уларнинг аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш, дори воситалари ва тиббий-асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш ҳамда

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига шарх. http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=315030_9

⁹ <https://www.minzdrav.uz/uz/services/detailed.php?ID=52777>

экспорт-импорт қилишда кўриш мумкин. Шу сабабли, тадбиркорлик субъектларининг ушбу йўналишда хизмат кўрсатишлари билан улар тиббий хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари сифатида намоён бўлмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрельдаги “Соғлиқни саклаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2863-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 февралдаги “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2750-сон қарорларига кўра тиббий хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида имтиё злар, енгилликлар яратиб берилди. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, малакали тиббий хизматдан фойдалиниш хуқуқининг кафолатланганлиги давлат хусусий муассасалар фаолият юритишида бирдек қўлланилиб, бирдан бир мақсад аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ва унга бўлган хуқуқнинг тўла-тўқис амалга оширилишидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Аскаров, Ж. (2020). Правовое регулирование и сравнительный анализ деятельности субъектов предпринимательства в сфере оказания медицинских услуг в зарубежных странах. *review of law sciences*, 4(спецвыпуск).
2. Аскаров, Ж. Т. (2020). Тиббий туризмни хуқуқий тартибга солиши мөхияти ва ўзига хос жиҳатлари. *журнал правовых исследований*, 5(8).
3. Карпов О. Э., Субботин С. А., Шишканов Д. В., Замятин М. Н. Цифровое здравоохранение. Необходимость и предпосылки <https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovoe-zdravoohranenie-neobhodimost-i-predposylki/viewer>

4. <http://shifo.uz/news.php?cat=main&id=1339&di=9>

5. www.constitution.garant.ru/DOC_3864865.htm

6. www.constitution.garant.ru/DOC_3864873.htm, Конституция Бельгии (Королевства Бельгия) от 17 февраля 1994 г. текст Конституции приводится по сборнику "Конституции государств Европы". Издательство НОРМА, 2001 г.

7. www.constitution.garant.ru/DOC_3864831.htm Конституция Италии

8. www.constitution.garant.ru/DOC_11000.htm Конституция Китайской Народной Республики (принята на 5-й сессии Всекитайского собрания народных представителей пятого созыва 4 декабря 1982 г., поправки в ее текст вносились тем же органом на ежегодных сессиях в 1988, 1993 и 1999 гг.

9. <http://shifo.uz/news.php?cat=main&id=1339&di=9>

10. Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 128-модда; 1999 й., 5-сон, 124-модда; 2001 й., 5-сон, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2007 й., 40-сон, 411-модда; 2010 й., 20-сон, 148-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига шарҳ. http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3150309

12. <https://www.minzdrav.uz/uz/services/detailed.php?ID=52777>